

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ
БОШ ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУҒИ

295 Фавқулодда вазиятларда аҳолини хабарлаш учун телекоммуникация тармоқларидан фойдаланиш тартиби ҳақидаги низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил
11 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1211-1*

(2011 йил 21 июлдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 й., 9-сон, 219-модда) ва «Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 й., 9-сон, 221-модда) қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 23 сентябрдаги 328-сон «Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида бошқарувни ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Рес-

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й.

публикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2002 й., 17-18-сон, 139-модда) мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директорининг 2002 йил 29 декабрдаги 200-сон буйруғи (рўйхат рақами 1211, 2003 йил 28 январь) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2003 й., 1-2-сон) билан тасдиқланган «Фавқулодда вазиятларда аҳолини хабарлаш учун телекоммуникация тармоқларидан фойдаланиш тартиби ҳақидаги низом»га ило вага мувофиқ ўзгартишлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Бош директор

Х. МУҲИТДИНОВ

Тошкент ш.,
2011 йил 23 июнь,
11-ю-сон

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш
агентлиги бош директорининг 2011 йил
23 июндаги 11-ю-сон буйруғига
ИЛОВА

**Фавқулодда вазиятларда аҳолини хабарлаш учун
телекоммуникация тармоқларидан фойдаланиш тартиби
ҳақидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 1-бандда:

учинчи, тўртинчи ва бешинчи хатбошилар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Телекоммуникация оператори (бундан буён матнда оператор деб юритилади) — мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ асосида телекоммуникациялар тармоғига эга бўлган, унинг ишлаши, ривожланишини таъминловчи ва телекоммуникация хизматлари кўрсатувчи юридик шахс.

Телекоммуникация хизматлари провайдери (бундан буён матнда провайдер деб юритилади) — фойдаланувчиларга операторлар тармоғи орқали тижорат асосида телекоммуникация хизматларини кўрсатувчи юридик шахс.

Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш — олдиндан ўтказиладиган ҳамда фавқулодда вазиятлар рўй бериши хавфини имкон қадар камайтиришга, бундай вазиятлар рўй берган тақдирда эса, одамларнинг ҳаётини асраб қолиш ва соғлиғини сақлашга, атроф табиий муҳитга етказиладиган зарар ва моддий талафотлар миқдорини камайтиришга қаратилган тадбирлар комплекси»;

еттинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Телекоммуникациялар тармоғи — узатишларнинг бир ёки бир неча турини: телефон, телеграф, факсимиль турларини, маълумотлар узатиш ва ҳужжатли хабарларнинг бошқа турларини, телевизион ва радиоэшиттириш дастурларини трансляция қилишни таъминловчи телекоммуникация воситаларининг мажмуи»;

ўн биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Фавқулодда вазият (ФВ) — одамлар қурбон бўлишига, уларнинг соғлиғи ёки атроф табиий муҳитга зарар етишига, жиддий моддий талафотлар келтириб чиқаришга ҳамда одамларнинг ҳаёт фаолияти шароити издан чиқишига олиб келиши мумкин бўлган ёки олиб келган авария, ҳалокат, хавфли табиий ҳодиса, табиий ёки бошқа офат натижасида муайян ҳудудда юзага келган ҳолат».

2. 2-банддаги «Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг низомини тасдиқлаш тўғрисидаги» деган сўзлар «Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида бошқарувни ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисидаги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. Мазкур ўзгартишлар Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси билан келишилди.

Фавқулодда вазиятлар вазири

Т. ХУДАЙБЕРГЕНОВ

2011 йил 23 июнь

*Ўзбекистон Миллий
телерадиокомпанияси раиси*

А. ХАДЖАЕВ

2011 йил 23 июнь